# Мавзу:Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати.

Режа:

1. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати (ДЁХХ), тузилиши, мақсади ва вазифаси.
2. Хизмат ва унга таёргарликни ташкиллаштириш.
3. Ёнгин хавфсизлиги хизмати гарнизони хакида тушунча.
4. Ёнгин хавфсизлиги хизмати гарнизонининг куч ва воситалари, хамда улардан фойдаланиш тартиби.

- **Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси**
- Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси - Ўзбекистон Республикаси ФВВ (Ички ишлар Вазирлиги) тизимига киради, ҳамда аҳоли яшаш пунктлари, маданий-маиший, ишлаб чиқариш ва стратегик аҳамиятга эга бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлайдиган ҳудудий ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари фаолиятига раҳбарлик қилади ва мувофиқлаштиради.

- Бош бошқарма фаолияти негизини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва кўрсатмалари, Вазирлар Маҳкамасининг қарори, ФВВ (ИИВ) меъёрий ҳужжатлари ташкил этади.
- Бош бошқарма фаолияти қонунчилик, адолат, ишни ташкил этиш тизимини бир бошидан ва умумлашган ҳолда аҳоли яшаш пунктлари, маданий-маиший ишлаб чиқариш объектларида ёнғин хавфсизлигини ташкил этишга асосланган.
- Ўзбекистон Республикаси ФВВ (ИИВ) Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ўзининг ҳисоб рақамига, Ўзбекистон Республикаси герби туширилган муҳрга, Бош бошқарма номига тўлиқ эга бўлган юридик шахс ҳисобланади.

- **Бош бошқарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:**
- аҳоли яшаш жойлари, стратегик аҳамиятга эга бўлган объектлар, ижтимоий-маданий, саноат ва бошқа объект ва коммуникацияларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;
- ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган самарали профилактик ишларни ташкил этиш, аввало мураккаб ва узоқ давом этувчи, мамлакат хавфсизлигига ва иқтисодиётига катта зарар келтирадиган ёнғинларга сабаб бўладиган ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш, ишлаб чиқариш ва бошқа объектларда ёнғинга қарши текширишларни сифатли ўтказиш;
- ёнғинларни, аввало стратегик муҳим объектлардаги, шу жумладан қўпорувчилик-террористик актлар ва бошқа жиноий тажовузлар, табиий офатлар ёки техноген характердаги фавқулотда вазиятлар оқибатида содир бўлган ёнғинларни ўз вақтида олдини олиш ва бартараф этиш;

# ДАВЛАТ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИНИНГ СТРУКТУРАСИ

- ***Ўзбекистон Республикаси ФВВ (Ички ишлар вазирлиги) Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати (ДЁХХ) қуйидаги таркибдан иборат:***
- -Ўзбекистан Республикаси ФВВ-лиги (Ички ишлар вазирлиги) Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси (ЁХББ),
- -Қорақалпоғистон Республикаси ФВВ-лиги (ИИВ), Тошкент шаҳар ФВБ ва вилоятлар ФВБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси (ЁХБ),
- -Ўзбекистон Республикаси ФВВ-лиги (Ички ишлар вазирлиги) туман (шахар) ички ишлар бўлими Ёнғин хавфсизлиги бўлим (бўлинма) лари,
- -Ёнғин хавфсизлиги отряд (қисм) лари.

- **Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси қуйидаги асосий бошқарма ва бўлимлардан иборат:**
- жанговар тайёргарлик ва ёнғинни ўчиришни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси,
- ёнғинни олдини олиш ва ёнғин назоратини ташкил этиш бошқармаси,
- алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси,
- ахборот таҳлил ва услубий таъминот бўлими,
- кадрларни танлашни, касбий тайёргарлигини ташкил этиш ва ижтимоий —ҳуқуқий ҳимоялаш бўлими.

- **«Хизмат ва унга тайёргарликни ташкиллаштириш» фани буйича якуний давлат аттестацияларига тайёргарлик куриш учун мулжалланган ушбу услубий кулланмани узлаштириш натижасида хар бир тингловчи:**
- ***- куйидаги тассавурларга эга булиши лоз им:***
- • гарнизон хизматини ташкиллаштириш хакида;
- • гарнизон хизматини текширишни ташкиллаштириш услублари хакида;
- • ёнгин учириш штаби хизмати хакида;
- • ёнгин хавфсизлиги гарнизонининг алока хизматини ташкиллаштиришхакида.

- ***куйидагиларни билиши ва бажара олиши зарур:***
- • ёнгин хавфсизлиги шахсий таркиби тайёргарлигини ташкиллаштиришни;
- • ёнгин хавфсизлиги кисмида навбатчи смена хизматини ташкиллаштиришни;
- • навбатчи сменанинг лавозимли шахсларининг умумий вазифаларини;
- • ёнгин хавфсизлиги булимлари томонидан мухофаза килинаётган ута мухим ва тоифаланган объектларда хизматни ташкил килишнинг алохдда хусусиятларини;
- • марказий диспетчерлик ва кием диспетчерлик хизматини
- ташкиллаштиришни;
- • ёнгин хавфсизлиги шахсий таркибини бошлангич, жанговар ва касб тайёргарлигини ташкиллаштиришни;
- • катга ва мураккаб ёнгинларни учиришда таянч маскани хизматини ташкиллаштиришни.

- ***- куйидаги куникмаларни эгаллаши зарур:***

- • ёнгин хавфсизлиги ва навбатчи смена хизмати хужжатларидан фойдалана олиши ва расмийлаштира олиши;
- • ёнгинни учириш, хизмат ва унга тайёргарликни ташкиллаштириш, тезкор хизмат фаолиятини хисоботини утказишни;
- • ёнгин хавфсизлиги хизматида шахсий таркиб билан даре утиш жадвалини,
- жанговар ва касб тайёргарлиги дастурини тузишни;
- ёнгинларни урганиш буйича хужжатлар билан ишлашни;

- Узбекистан Республикаси ФВВ-лиги (ИИВ) Давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг республика, вилоят, шахар ва туман маъмурий худудида жойлашган ёнгин хавфсизлиги бошкарма, булим, булинма (гурух)лари, укув ва илмий текшириш идоралари, билим юртлари, уларнинг кайси ташкилотга буйсунишидан катьий назар - худудий ёнгин хавфсизлиги гарнизонларини ташкил килади.
- Ёнгин хавфсизлиги гарнизонларининг хар бирида гарнизон хамда смена (коровул) хизмати ташкил килинади.
- Гарнизон хизмати - ёнгин хавфсизлиги кисмлари шахсий таркиби хизматини яхши ташкил этилишини ва уларнинг интизомлилигини, гарнизоннинг ёнгинга карши курашга, авария ва куткарув ишларини бажаришга доимо тайёр туришини, бошка хизматлар (тиббиёт, сув хужалиги, энергетика, газ тузатиш ва бошк.) билан узаро хамкорликдаги алокани урнатишни, ёнгинни бартараф этиш вактида ёнгин хавфсизлиги булинмаларига якка холда малакали рахбарликни таъминлашни олдигамаксад килиб куяди

- Смена хизмати - ёнгин хавфсизлиги кисмлари навбатчи сменаларининг доимо жанговар холатда туришини таъминлаш, ёнгин хавфсизлиги кисмлари мухофаза к,илаётган туман (маскан)ларда содир булган ёнгинларни муваффакиятли бартараф этиш хамда ёнгиннинг олдини олиш ишларини бажариш учун хизмат килади.
- Гарнизон хизмати ташкил килинадиган худудлар чегараси республика ФВ вазири, вилоят ва туман (шахар) ички ишлар бошкармаси бошлигининг буйругига асосан белгиланади.

- Ёнгин хавфсизлиги гарнизонининг кучларини - ФВВ ёнгин хавфсизлиги булинмалари, махкамаларга карашли ёнгин хавфсизлиги хизматлари, кунгилли ёнгин учирувчилар гурухи ва бошка ёнгинга карши тузилмалар ташкил килади.
- Ёнгин хавфсизлиги хизмати гарнизонининг воситаларини - ФВВнинг ёнгинхавфсизлиги булинмаларига тегишли ёнгин учириш техникалари, алока воситалари, ёнгин учирувчи моддалар, шунингдек белгиланган тартибда фойдаланиладиган махкамалар ёнгин хавфсизлиги хизматига ва масканларни ёнгиндан мухофаза килувчи ёнгин хавфсизлиги булинмаларига тегишли ёнгин учнришга мослаштирилган ва ёрдамчи техникалар ташкил этади.
- Таянч масканларининг ишларига рахбарлик килиш, улар ташкил килинган туман (шахар) ёнгин хавфсизлиги булими бошликларига, отряд командирлари хамда кисм бошликларига юклатилади.

- Республика, вилоят (шахар) таянч масканларининг умумий сонини, жойлаштирилишини барча ахоли турар жойлари, халк хужалиги корхоналарини ёнгиндан мухофаза килиш учун куч ва воситаларини тенг микдорда жойлаштирилишини инобатга олиб, жойларнинг хусусиятини хисобга олган холда ФВВ , ФВВ  ЁХБ бошликлари белгилайди.
- Таянч масканининг катта ёнгинларни учиришга хизмат курсатиш майдони радиуси энг узок жойга ёнгин учиришга керакли куч ва воситаларни туплаш учун 1,5 соатдан ошмайдиган хисобдан олиниши керак. Таянч масканларининг хужжатлари жойларнинг шароитини хисобга олган холда ишлаб чикилади.
- Ёнгин хавфсизлиги марказий диспетчерлик хизмати (МДХ) да:
- -таянч масканлари ва хизмат курсатиш майдонлари жойлаштирилган вилоят харитаси, харитада таянч масканининг даражаси, ёнгин учириш техникасининг тури ва сони, ёнгин учириш воситаларининг эхтиёт микдори курсатилган булиши керак.

- Кисм диспетчерлик хизмати (КДХ) да:
- -гарнизон ёнгин хавфсизлиги кисмларининг чикиш жадвали, туман (шахар) куч ва воситаларини жалб килиш режаси;
- -таянч маскани хизмат курсатадиган ахоли турар жойларининг сув билан таъминлаш манбалари, ута мухим масканлар ва уларга бориш йуллари курсатилган харита;
- -таянч маскани хизмат курсатадиган майдонга кирадиган шахар ва ахоли турар жойларининг сув манбалари тугрисида маълумот;
- -таянч маскани хизмат курсатадиган майдонига кирадиган ёнгин хавфсизлиги экипажларининг, радиотармокларнинг чакириш ракамлари руйхати, радио ва симли алокани ташкил килиш чизмаси, кушни таянч маскани алока жойларининг руйхати;
- -таянч маскани хизмат майдонига кирувчи шахар ва ахоли турар жойларининг АТТ (АТС) телефон маълумотлари;
- -шахсий таркибга хабар бериш ва йигиш чизмаси булиши керак.

- Куч ва воситаларнинг чикиш жадвали, режаси гарнизон бошлиги томонидан
- ишлаб чикилади ва махаллий хокимият томонидан тасдикланади хдмда ички ишлар идоралари бошлщларининг буйруги билан эълон килинади.
- Ички ишлар идоралари бошликларининг буйругида куйидагилар курсатилади:
- - гарнизон хизмати ташкил килинган майдон чегараси, отрядлар, ёнгин
- хавфсизлиги кисмлари, ёнгин-техник лабораторияси, алохида постлар, катта
- ёнгинларни з^чириш буйича таянч масканлари хамда ёнгин учириш автомобиллари бор булган масканларни мухофаза килувчи ёнгин хавфсизлиги кисмлари чикадиган туман чегаралари;
- -ёнгин, авария ва табиий офатларда ёнгин учириш штабининг навбатчилик
- ;

- \- гурухи, гарнизон бошликлар таркиби, ёнгин хавфсизлиги отряд ва кисмлари, тезкор тергов гурухлари хамда асосий, махсус ва ёрдамчи ёнгин учириш.
- \- автомобилларининг чикиш тартиби;
- -масканларни мухофаза килаётган ёнгин хавфсизлиги кисмларининг навбатчи
- сменалари маскан атрофидаги ёнгинлар, авария ва табиий офатларга чикиш тартиби
- -шахсий таркиб харакати ва ёнгин **учириш** техникасининг алохида шароитларда кулланилиш тартиби;
- -ёнгин ва бошка фавкулодда холат хакида хамда юкори чакирик тугрисида
- маълумот олинганда куч ва воситалар юборилиши керак булган масканлар руйхати.

## Ёнгин хавфсизлиги хизмати булинмаларининг бошка махсус хизматлар билан узаро хамкорликдаги харакатлари.

- ФВВ Ёнгин хавфсизлиги булинмалари бошка вазирликлар, идоралар хамда шахар (маскан)ларнинг махсус хизматлари билан ёнгин учиришда ва бошка табиий офатлардаги узаро харакатлари, биргаликда кабул килганган йуркномалар асосида белгиланади
- Махсус хизматлар билан узаро харакат йурикномасида куйидагилар булиши шарт:
- -куч ва воситаларни бошкариш тартиби;
- -техника ва махсус хизмат гурухларини сони ва жалб килиниш тартиби;
- -ёнгин хавфсизлиги ва махсус хизмат навбатчи ходим (диспетчер)ларининг харакатлари;
- -махсус хизматлар бошликларининг бурчлари;
- -ёнгин ва табиий офатларни бартараф килишда ёнгин хавфсизлиги булинмаларини
- сони, жалб килиниши ва улардан фойдаланиш тартиби;
- -ёнгинни бартараф этишда ёнгин хавфсизлиги булинмалари ва махсус хизмат гурухларини буйсуниш тартиби.

- Хизмат кучайтирилган холатга утказилганда куйидаги асосий тадбирлар амалга оширилади:
- -жадвалга биноан шахсий таркибни ва рахбар ходимларни кеча-кундуз
- (суткали) навбатчилигини ташкил этиш;
- -масканларнинг ёнгинга карши холати хамда хизматнинг ташкил этилиши
- буйича кушимча кундузги ва тунги текширувларни амалга ошириш;
- -шахсий таркиб уртасида тарбиявий-тушунтириш ишлари утказиш;
- -захирадаги куч ва воситаларни жанговар хисобга киритиб, шахсий таркибни
- жамлаш чораларини куриш, керак булса хизматдан буш булган барча шахсий
- таркибнинг умумий йигилишини ташкил этиш

- - масканларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш буйича кучайтирилган чоралар куриш;
- -вазиятдан келиб чиккан холда гарнизон булинмалар-ининг куч ва воситаларини жойлашишини узгартириш;
- -ФВВ идораларининг бапча хизматлари, харбий булинмалар,
- фавкулодда вазиятлар ва табиий офатларни бартараф этиш штаблари билан узаро хамкорлик харакатларини белгилаб олиш;
- -гарнизон ёнгин хавфсизлиги булинмаларининг биноларини ва уларнинг худудий чегараларини куриклашни кучайтириш;
- -етарлича ёнилги-мойлаш ва ёнгин учиргичлар захирасини яратиш;
- -кушимча равишда пост ва дозор хизматларини ташкил этиш.

- **Гарнизон тезкор хизматлари:**
- -техника хизмати;
- -газ ва тутундан химоялаш хизмати;
- -алока хизмати.
- Ёнгин хавфсизлиги гарнизонининг мансабдор шахсларига куйидаги лавозимлар кирадi:
- -ёнгин хавфсизлиги гарнизонининг бошлиги;
- -ёнгин хавфсизлиги гарнизони тезкор навбатчиси (ёнгин учириш гурухибошлиги, гурух бошлигининг уринбосари ва ёнгин учириш фаолиятини таъминлаш мухандиси);
- -ёнгин хавфсизлиги гарнизонининг техника хизмати бошлиги;
- -ёнгин хавфсизлиги хизматининг газ ва тутундан хдмоялаш хизмати (ГТХХ) бошлиги;
- -ёнгин хавфсизлиги хизматининг алока хизмати бошлиги;
- -ёнгин хавфсизлиги марказий диспетчерлик хизмати (МДХ) диспетчери (каттадиспетчери, радиоалокачиси).

- Смена хизмати. Смена хизматини ташкил килиш .
- Смена (коровул) хизмати - ёнгин хавфеизлиги булинмалари навбатчи сменалари томонидан олиб борилади хамда шахеий таркибдан жанговар вазифаларни аник бажаришни, сергакликни, жасурликни ва ташаббускорликни талаб килади. Смена хизматининг вазифалари куйидагилардан иборат: -навбатчи сменаларни ёнгин учиришга, одамларни куткаришга, фалокат, табиий офат содир булганда шахар (корхона)нинг керакли навбатчи хизмати ходимларига ёрдам беришга доимий тайёргарлигини таъминлаш; -ёнгинга карши сув тармокларини, алока воситаларининг яхши ишлашини ва кучаларнинг холатини назорат килиш; -мухофаза килинаётган масканларнинг ёнгинга карши холатини навбатчилик давомида назорат килишни таъминлаш.

- Смена жанговар хисобига бемор ва иш жойида алохида тайёргарликдан утмаган шахеларни киритиш ман этилади. Ёнгин хавфеизлиги кисмининг жанговар хисобида ва захирасида турган барча автомобиллари ёнгин учириш хамда одамларни куткариш учун зарур асбобанжомлар билан жихозланган холатда смена ихтиёрида булади. Смена ихтиёридаги ёнгин учириш автомобилларининг, ёнгин учириш куролларининг доимо жанговар холатда булишини ва озода тутилишни таъминлаш сменанинг барча шахеий таркибига юклатилади. Смена шахеий таркиби жанговар кийим, асбоб-анжом ва химояловчи газникоб билан таъминланиши керак. Жанговар кийим ва асбоб-анжомлар хдр бир ёнгин учирувчига бириктирилган булиши ва буй-бастига караб тайинланган булиши лозим.

- Ёнгин хавфсизлиги кисми навбатчи сменасининг асосий лавозимли шахслари куйидагилар хисобланади:
- -смена бошлиги;
- -кием диспетчерлик хизмати диспетчери (радиоалокачиси);
- -экипаж командири;
- -ёнгин учириш автомобили хайдовчиси;
- -катта ёнгин учирувчи, ёнгин учирувчи.
- Ёнгин хавфсизлиги кисми жанговар хдеобида турган ёнгин учириш техникасининг турига ва штатига караб смена таркибига мансабдор шахслар кириши мумкин. Уларнинг хизмат вазифалари кием бошлиги томонидан ишлаб чикилади.

- Носоз ёнгин учириш автомобиллари ва ёнгин учириш куроллари куйидаги тартибда зудлик билан алмаштирилади:
- -захирада ёнгин учириш техникаси булса, туман (шахдр) ёнгин хавфсизлиги булими бошлиги буйругига асосан алмаштирилади, захирада техника булмаса, ёнгин хавфсизлиги гарнизони бошлиги буйругига асосан алмаштирилади;
- -ёнгин учириш куроллари смена бошлигининг буйругига асосан алмаштирилади ва кием бошлигига ахборот берилади.
- Ёнгин учириш автомобилига 1-2-техник хизмат курсатишда автомобил жанговар хисобдан чикарилади ва захирадаги автомобил жанговар хнеобга куйилади. Ёнгин учириш автомобилларига техник хизмат курсатиш учун жанговар хлеобга куйиш тартиби жойлардаги шароитга караб гарнизон бошлиги томонидан белгиланади. Жанговар хисобда турган техника сонини штатда эълон килингандан камайтириш такикланади.

- Ёнгин хавфсизлиги кисми шахсий таркибини жойлаштириш тартиби.
- Ёнгин хавфсизлиги кисмининг шахсий таркиби одатда ёнгин хавфсизлиги кисмидаги ётокхоналарда ёки кием атрофидаги уйларда яшашлари керак. Навбатчи смена учун ёнгин хавфсизлиги кисмида куйидаги хоналар булиши зарур: -ёнгин учириш автотехникаси учун гараж; -шахсий таркибни тунда дам олишлари учун зарур буюмлар билан жихозланган хона; -касб махоратини ошириш учун керакли кургазмали куроллар билан жихозланган маърифат ва жанговар тайёргарлик укув хонаси; -кийимларни ювиш ва куритиш хонаси; -ошхона, агар овкат пишириладиган козонлар йук булса, овкатни иситиш ва овкатланиш учун керакли асбоблар урнатилган хона; -ёнгин учириш автомобилларига техник хизмат курсатиш жойи; -ювиниш (душ) хонаси;

- -ёнгин учириш енгларини саклаш, ювиш ва куритиш хонаси; -захирадаги кийим-бошларни, ёнгин учириш техник воситаларни, ёнилгимойлаш материаллари ва бошкаларни саклаш хонаси; -спорт иншоотлари (хоналари) ва спорт шахарчаси (майдони), укув минораси ва тусиклардан иборат 100 метрлик йулак, иссиктутунхона, шахсий таркибни рухий тайёрлаш йулаги; -устки ва жанговар кийимлар сакланадиган алохдца жавонлар ёки алохдца хона; -смена бошлиги учун дам олиш хонаси ва телефон урнатилган хона; -алока воситалари, зарур жихозлар ва буюмлар куйилган кием диспетчерлик хизмати хонаси ва диспетчернинг дам олиш хонаси; -химояловчи газникобларни саклаш, таъмирлаш, текшириш ва кислород хам да хаво баллонларини кайта тулдириш хонаси. Хамма хизмат хоналарига тартиб ракамлари ёзилган булиши ва жихозлар руйхати булиши керак.

- АДАБИЁТЛАР


- 1 Узбекистон Республикаси ИИВнинг 2003 йил 20 апрелдаги №117 сонли буйруги. «Узбекистон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги хизмати фаолиятини ташкиллаштириш низоми»
- 2. А.Ю.Поповский «Организация службы и подготовки в пожарной охране» М. Стройиздат, 1972.